

## ФАРМАЦЕВТИКА ВА ЭЛЕКТРОТЕХНИКА САНОАТИДАГИ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 28 ноябрь куни фармацевтика ва электротехника саноатида ишлаб чиқаришни янада қўллаб-қувватлаш, корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ошириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Мамлакатимизда бу икки тармоқ учун ҳам зарур хомашё, етарли шaroитлар бор. Хусусан, охириги олти йилда фармацевтика соҳасида ишлаб чиқариш 3 баробар, экспорт 6 баробар кўпайган. 525 миллион долларлик 177 та лойиҳа ишга тушиб, жами 50 мингта иш ўрни яратилган.

Лекин бу ҳали мавжуд имконият ва талаб даражасида эмас. Масалан, юртимизда йилга 1,6 миллиард долларлик дори-дармон истеъмол қилинади. Бунда маҳаллий маҳсулотларимизнинг улуши бор-йўғи 18 фоиз, қолгани импорт ҳисобидан қопланапти.

Шу боис, йиғилишда маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

— Сўнги йилларда бу соҳага катта кўмак ва маблағ берилди, фармацевтика зоналари ташкил этилди. Лекин бундан тўла фойдаланилмапти. Маҳаллийлаштиришни кенгайтириш, тадбиркорлар лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг маҳсулотлари харидорлигини таъминлаш керак. Бунинг замирида қанча иш ўрни, қанча одамларнинг розилиги бор, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада хориз тажрибасини ўрганиш, машур брендларни мамлакатимизга жалб этиш муҳимлиги таъкидланди. Жумладан, энг кўп истеъмол

қилинадиган 50 турдаги дорино юртимизда ишлаб чиқариш орқали маҳаллийлаштириш улушини 35 фоизга етказиш мумкинлиги кўрсатиб ўтилди.

“Tashkent Pharma Park” кластери қурилишини жадаллаштириш, унга хусусий шерикни жалб этиш зарурлиги айтилди. Шунингдек, фармацевтика корхоналарига “GMP” халқаро стандартига ўтиш ва маркировкалаш тизимини йўлга қўйишда кўмаклашилади.

Умуман, бу соҳада 1,5 миллиард долларлик 173 та лойиҳа шакллантирилган. Уларни молиялаштириш учун 600 миллион доллар йўналтирилади.

Мутасаддилар буларнинг натижасида 2024 йилда 400 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилиши, 160 миллион доллар экспорт таъминланиши бўйича ахборот берди.

Йиғилишда электротехника саноатига доир масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Сўнги олти йилда бу соҳада 640 миллион долларлик 224 та лойиҳа ишга туширилган. Бу йил якунида экспорт 1 миллиард долларга етиши кўтилмоқда.

Шу билан бирга, юртимизга йилига 800 миллион долларлик электротехника товарлари импорт бўлмоқда. Умуман олганда, минтақамизда 3 миллиард долларлик бозор бор.

Бунда муносиб ўрин эгаллаш учун нуфузли брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарурлиги қайд этилди. Келгуси йилга мўлжалланган 2 миллиард долларлик 141 та лойиҳада бунга алоҳида эътибор қаратилади.

Жорий йилда 2 гигаваат, 2024 йилда яна 4 гигаваат қуёш ва шомол электр станциялари ишга туширилади. Уларга жуда кўп кабель, генератор, инвертор, трансформаторлар зарур. Бу маҳсулотларни маҳаллийлаштириб, халқаро сифат сертификатлари олиш вазифаси қўйилди.

Соҳада илғор технология, инновация ва халқаро стандартларни жорий этишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш учун 100 миллион доллар йўналтирилиши белгиланди.

Мутасаддилар келгуси йилда ишлаб чиқаришни 20 фоизга ошириш, мисни қайта ишлаш ҳажмини 140 минг тоннага олиб чиқиш режаларини баён этди. Шунингдек, экспортни 1,5 миллиард долларга, 2025 йилда 2 миллиард долларга етказиш имконияти борлиги қайд этилди.

Йиғилишда ушбу тармоқлардаги муаммо ва вазифалар юзасидан вилоят ҳокимлари ва тадбиркорларнинг таклифлари эшитилди.

ЎЗА

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ



## МАҲОРАТ, МЕҲНАТ ВА БИЛИМ ТАНТАНАСИ

Афрўза Ҳамдамова 14 ёшида жаҳон чемпиони бўлди

Ўтган ҳафта Апеннин ярим оролидан келган мужда ҳар бир юртдошимизнинг қалбини ғурурга тўлдирди. Италиянинг Монтеильвано шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича 18 ёшгача ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида ҳамюртимиз Афрўза Ҳамдамова голиб бўлди. 14 ёшли Афрўзанинг Ўзбекистон тарихида қизлар орасидаги илк жаҳон чемпиони бўлгани қувончли воқеадир.

Давоми 2-бетда

## МУНОСАБАТ



## МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТИ

глобал аҳамиятга молик ўзаро боғлиқлик маркази

Ўзбекистон ва Озарбайжон ҳамкорлиги ҳақида гап борганида, чуқур тарихий илдизларга эга дўстлик алоқалари кўзга ташланади. Бу муносабатлар вақт синовидан ўтган, тобора ривожланиб, мустақамланиб бораётган яқинлик ришталаридир. Халқларимизни тил, дин, муштарак маданият ва боқий анъана, қадрият ва урф-одатлар боғлаб туради.

Икки давлат раҳбарларининг сиёсий иродаси ва узоқни қўлаб юритаётган оқилона сиёсати туфайли сўнги йилларда мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги янги босқичга кўтарилди, дўстлигимиз янада мустақамланди.

Ўзаро сиёсий ишонч қарор топиб, икки дўст давлат БМТ, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислом ҳамкорлик

ташкilotи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида бир-бирини қўллаб келмоқда. Бу ҳамкорлик иқтисодий, сиёсий, парламентлараро алоқалар, маданият ва ижтимоий, умуман, барча соҳаларда кенг қўлоч ёзиб, муваффақиятларга эришяпти.

Давоми 3-бетда

## ТРАНСПОРТ-ЛОГИСТИКА

## МУЛЬТИМОДАЛ РАҚАМЛАШТИРИШ ПЛАТФОРМАСИ

халқаро ҳамкорликнинг самарали механизмига айланади

БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) 1998 йил 26 март куни Тошкентда қабул қилинган декларацияга мувофиқ, минтақа мамлакатларининг иқтисодий ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда уларнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига кўмаклашиш мақсадида таъсис этилган.

Мазкур муҳим платформа Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда минтақавий шерикликнинг амалий механизми сифатида ниҳоятда зарурлигини аққол кўрсатди. Унинг доирасида тижорат, коммуникация, транспорт ва логистика, рақамлаштириш, энергетика, сув ресурслари,

экология, гендер тенглик ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган 400 дан ортиқ лойиҳа ҳаётга татбиқ этилди, савдо-ни соддалаштириш ва инновацион ривожланиш стратегиялари қабул қилинди.

Давоми 3-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ



## ЭНЕРГЕТИКА РЕСУРСЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИ

исрофгарчилик ҳам, тежамкорлик ҳам ўз қўлимизда

Ҳозир энг кўп истеъмол қилинаётган ресурслардан бири электр энергиясига иқтисодиёт тармоқларидан тортиб, кундалик ҳаётимизда ҳам талаб ва эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда. Ҳатто электр энергияси истеъмолидаги рекордлар ҳам тез-тез янгиланаётгани сир эмас.

Давоми 4-бетда

## НУҚТАИ НАЗАР



## МУҲАНДИСЛИК ТАЪЛИМИДА ИЛҒОР ТАЖРИБА

саноатни рақамли ўзгартириш дастури

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий фаровонлиги инсон капиталига асосланади. Шунинг учун ҳам кадрлар билан таъминлаш масаласи ёнилли-энергетика комплексини ривожлантириш стратегиясида муҳим ўрин тутаяди. Вақт кўрсатганидек, янги компетенциялар пайдо бўлмоқда. Улар асосий фанлар, жумладан, кимё фанини ўрганишга асосланган бўлиши керак. Шу маънода, Тошкент кимё технология институти кафедра ва лабораторияларида жараён муваффақиятли бажарилмоқда.

Бугунги ОТМ ўқитувчиси кунига 24 соат онлайн янги авлод талабаларига мос усул ва услубларни танлаши лозим. Уларга ҳам фаол ўрганиш, ҳам мулоҳаза юритиш учун вақт керак. Муҳандислик педагогикасининг ютуқларига асосланиб, ўқитувчиларга тўрт асосий таълим назариясидан фойдаланиш тавсия этилади: амалий машғулот, энг муҳим билимни узатиш, юшқ компетенция, масъулият.

Тошкент кимё технология институтидидаги муҳандислик таълими

моделнинг муҳим хусусияти кўп тармоқлилик, турли вазифа ва мультитехнологияларга асосланганидир. Институтда талабалар учун ўзгарувчан технологик парадигмаларга мослашувчан ва фаол муносабатда бўлиш имконини берувчи индивидуал таълим траекториялари тизими жорий этилмоқда, “Олий муҳандислик мактаби” лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Давоми 5-бетда

## ДОЛЗАРБ МАВЗУ

## ТАВСИЯДАН ТАЛАБГА АЙЛАНГАН ЗАРУРАТ

Глобал иқлим ўзгаришлари, қурғоқчилик туфайли сув танқислиги муаммоси янада долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, асосий дарёлари қўшни давлатлар ҳудудида шаклландиган Ўзбекистон учун муаммо қўлами анча катта ва жиддий ҳисобланади. Буни халқаро тадқиқот институтлари ҳам қайта-қайта таъкидламоқда.

Давоми 4-бетда

ТАДБИР

Орифжон Жўраев, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Ўзаро чамбарчас боғлиқ бу тушунчалар, гўё қушнинг икки қаноти. Шу маънода, давлатимиз раҳбари судьялар билан учрашувда маънавият бўлмаган жойда ҳеч қачон адолат бўлмастлиги, шунинг учун судьялар, юрист кадрларни тайёрлаш ва судьялик лавозимига тайинлашда маънавият масаласига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаган эди.



АДОЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ — ЭГИЗ ТУШУНЧА



Наманган вилояти суди томонидан ўтказилган туркум маънавият ва маърифат тадбирларида юқоридаги фикрлар ўз ифодасини топаётди. Ана шу мақсадда ташкил этилган навбатдаги тадбир Тўрақўрган туманидаги Исҳоқхон тўра Иброт мажмуасидан бошланди. Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси ходимлари, суд фахрийлари, судьялар Исҳоқхон Иброт номидаги ихтисослаштирилган ижод мактабидан бўлиб, яратилган шартнолар билан яқиндан танишди.

фахрийлари босиб ўтган ҳаёт йўли, бой тажрибалари тўғрисида сўзлаб берди. Машаққатли ва шарафли меҳнатлари давомидаги ибратли воқеаларни ёдга олди. Ҳозирда суд идораларида фаолият юритаётган ёш кадрлар ва эртанги истиқболлини айни соҳада қуришни истаётган талабаларнинг саволлари, фикр-мулоҳазалари билан жараён янада кизгин кечди.

Исҳоқхон тўра Иброт номидаги Наманган давлат чет тиллари институтида эса янги тахрирдаги Конституцияимиз ҳоқияти юзасидан "Конституция дари" ўтказилди. "Конституция — халқнинг давлат, барқарор тараққиёт ва фаровон ҳаёт асосидир", деган ғоя илгари сурилган ҳуқуқий сабоқларда Бош қонунимизга киритилган суд-ҳуқуқ йўналишидаги янгиликларга доир батафсил маълумотлар берилди. Талабаларга Ўзбекистон Конституциясининг янги наشري тарқатилиб, уларга Асосий қонунимизда белгиланган ҳуқуқ ва бурчлари тушунтирилди.

суд ходимлари ўтмишдан сўзловчи экспонатларни қизиқиш билан кўздан кечирди. Айниқса, музейдаги буюқ аждодимизнинг кўлёмалари, рисолалари, фойдаланган буюмлари, суратлари ва бошқа экспонатлар тадбир иштирокчиларида катта таассурот уйғотди. Наманган тарихий ёдгорликлари, моддий-маданий мерос объектларига бой замин сифатида ном қозонган. Хусусан, Ахсикент обидаси қадим тамаддулар туташган, ҳали мукаммал урганмаган файзли манзилдир. Суд хизматчилари "очиқ осмон остидаги музей"ни айланмишар экан, Ахсикент шаҳристонини қолдиқлари, у ердаги турфа осори-атиқалар, аждодларимиз бўнад этган меъморчилик намуналарининг гувоҳи бўлди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ

МАҲОРАТ, МЕҲНАТ ВА БИЛИМ ТАНТАНАСИ

Афрўза Ҳамдамова 14 ёшида жаҳон чемпиони бўлди

Бошланиши 1-бетда

Янги Ўзбекистон ҳар бир соҳада янги қадамлар — янги марралар даври сифатида тарихга муҳрланаётди. Айниқса, шахмат бўйича юртимиз вакиллари қўлга киритаётган ютуқлар салмоқли. Бу шахматчиларимизнинг маҳорати йилдан-йилга ортиб бораётганидан дарак. Шу билан бирга, мамлакатимизда шахматни аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш ва уни оммавий спорт турига айлантириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг интеллектуал ва маданий ривожланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, юқори иқтидорга эга ёшларни танлаш, саралаб олиш ва уларни профессионал шахматчилар ва халқаро гроссмейстерлар сифатида тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш, тренерлар учун муносиб меҳнат шaroитини яратиш борасидаги ислохотлар самараси ҳамдир.

Афрўза Ҳамдамова 2009 йил 25 февралда Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё туманида туғилган. Айни пайтда Самарқанд шаҳридаги 42-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси.



Қизалоқ ҳали тўрт ёшга тўлмаган шахмат тахтаси ва доналари билан танишиди. Дадасининг таъбирича, шахмат доналари Афрўзанинг сеvimли ўйинчоқлари эди. Бобоси Ҳамдамкул ака моҳир шахматчи бўлгани боис, унинг олти фарзанди ҳам ота изидан борди. Уларнинг ҳар бири турли мусобақа ва турнирларда иштирок этиб, ғолиблар сафида бўлди. Халқимизда "Олмининг тағига олма тушади", деган нақл бор. Аввал бобосидан, сўнг дadasи Акбар Ҳакимовдан сабоқ олган Афрўза бугун бобоси — Ҳамдамкул ака орзулаган кунларни оиласига туҳфа этди.

ҳам шахмат ўйнашни яхши кўради. Оиламизда шахмат ўйнайлик десам, "йўқ, билмайман", "вақтим йўқ" деган баҳона ёки сабабининг ўзи йўқ. Бу мени жуда қувонтиради. Амакиларим ҳам маҳоратли шахматчилар. Уйин давомида улардан ҳар гал ниманидир ўрганган. Энг эсда қоларли уйин — шу йил бўлиб ўтган Осиё уйинларидаги иштироким бўлди. Унда хитойлик гроссмейстер билан ўйнадим. Тан оламан, рақибим кучли шахматчи, унинг маҳоратидан қўрққандим, бироқ қора доналарда ғалаба қозондим. Бу уйин мени руҳлантирди. Афрўза интернетда халқаро гроссмейстерлар, моҳир шахматчиларнинг ўйинларини мунтазам кузатиб, ўрганишни қанда қилмади. Улар билан онлайн мусобақаларда маҳоратини синая кўрди. Акбар ака эса қизини нуфузли мусобақаларда иштирок этишга рағбатлантирди, қўллаб-қувватлади. Афрўзанинг профессионал шахмат билан шуғулланиши учун вақт ажратди, халқаро мусобақаларга олиб бориши зарурлигини англаб, бор эътиборини Афрўзага қаратди.

Баҳорат ЮНУСОВА, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ХУДУДЛАР ҲАЁТИ



МАҲАЛЛАНИНГ МУАММОЛАРИ БАРҲАМ ТОПДИ

Ҳаётга татбиқ этилаётган "Обод хонадон", "Обод кўча", "Обод маҳалла" мезонлари асосида Навоий вилояти маҳаллаларида ҳам йиллар давомида аҳолини қўйиб келаётган масалалар ечимини топмоқда. Албатта, бу эзгу ишлар замирида ижтимоий аҳволи оғир, муаммолар гирдобидан қолган маҳаллалардаги аҳоли учун фаровон турмуш шaroитини яратиш, халқни рози қилиш, бир сўз билан айтганда, инсон қадрини улғушлаш каби хайрли мақсад мужассам.

Зарафшон шаҳридаги Янги Зарафшон маҳалласида турли миллатга мансуб 7000 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Ҳозир маҳалла улкан бунёдкорлик оғушида. — Маҳалламиздаги ўзгаришлардан жуда мамнунмиз. Яқинда мактабимизга 150 ўринли замонавий ошона қуриб берилди. Ўқувчилар қувончини таърифлашга тил оқиз, — дейди Янги Зарафшон маҳалласидаги 9-умумий ўрта таълим мактаби директори Аксауле Тумшиова. Олис чўл худудларида яшовчи аҳолини қўйиб келаётган асосий муаммолардан бири тоза ичимлик сув масаласидир. Янги Зарафшон маҳалласидаги 748 та хонадон учун ичимлик сув махсус транспорт воситасида ташиб келирилди. Муаммони бартараф этиш учун 18 километр сув қувури тортилиши аҳолини беҳад қувонтирди. Чунки маҳалла аҳлининг азалий орзуи ушaldi.

Шунингдек, худудда эскирган электр энергияси тизимида мунтазам узлилашлар бўлиши аҳолининг доимий эътирозига сабаб бўлиб келаётган эди. Энди бу муаммо ҳам ечилди. Маҳалладаги эскирган симёғочлар, алоқа тармоқлари янгиланди, кўчаларга тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. — Маҳаллани электр энергияси билан узлуksиз таъминлаш мақсадида жами 9 километр тармоқ жорий таъмирланди. Шунингдек, эскирган симёғочлар темир-бетон таянчларга алмаштирилди ва ортқча юкларнинг олдидан олиш мақсадида қўшимча трансформаторлар ўрнатилиб, мажмуалари мукаммал таъмирдан чиқарилди, — дейди Зарафшон шаҳри электр таъминоти корхонаси бошлиғи Хуршид Гадов. Янги Зарафшон маҳалласида 30 километрга яқин ички йўл мавжуд. Аҳоли ва автотранспорт воситалари кўпроқ ҳаракатланувчи асосий кўчалар босқичма-босқич асфальтланди. Айрим кўчаларга шағал тўкилиб, пиёдалар йўлакчалари бўнад этилмоқда. Шунингдек, болалар ва спорт майдончалари янгидан қурилди. Таъмирга муҳтож хонадонларнинг том қисми янгиланди, ташқи фасадлари яхшиланди. Маҳалла Зарафшон шаҳри марказидан анча олисда. Шу боис, марказга томон йўловчи автобуслари қатнайди. Бироқ автобус камлиги, йўлка қимматлиги сабабли бу борада ҳам муаммолар мавжуд эди. Энди шаҳар ва маҳаллани боғловчи йўлда замонавий автобуслар ҳаракатланмоқда. — Маҳаллада узоқ йиллардан бўён ҳал этилмай келинган муаммолар аҳоли учун қўллаб-қувватлашга туғдиради. Қўм кўчалардан кўтарилган чанг-тўзон, ёгингарчиликда лойга айланадиган йўллар, электр таъминотидаги узлилашлар, яна қатор масалалар ўз ечимини кутаётган эди. Барча муаммолар босқичма-босқич ҳал этилди. Маҳалла аҳлининг турмуш тарзи фаровонликка юз тутди. Айниқса, худудга ичимлик сув тармоғи тортилиши азалий орзумизнинг ушалиши бўлди. Йўлларимиз ҳам раван, энди ёзда чанг, қишда лой бўлмайди, — дейди Янги Зарафшон маҳалласи раиси Ихтиёр Жаҳонгиров.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

ИЛМИЙ ЁНДАШУВ ВА ИННОВАЦИЯГА АСОСЛАНГАН ТАДБИРКОРЛИК

Аграр тармоққа инновацияларни кенг татбиқ қилиш, заминимизда етиштирилаётган хомашёни ўзимизда қайта ишлашни чуқурлаштириш бугунги замон талаби. Зеро, қишлоқ хўжалиги қанчалик саноатлашса, давлатнинг иқтисодий ва экспорт салоҳияти шунчалик ортади, аҳоли турмуш фаровонлиги юксалади.



Шу боис, Ўзбекистонда кейинги пайтларда илғор технологияларга асосланган инфратузилма яратиш, қишлоқ хўжалигида кластер тизимини кенг жорий этишга жиддий эътибор қаратиляпти. Пахтакор туманида фаолият юритаётган "Semrug cluster" ана шундай инновацион лойиҳалардан бири. Уруғчиликка ихтисослаштирилган мазкур жамият мамлакатимиздаги шу соҳада фаолият юритувчи қалдирғоч кластерлардан саналади. Президентимизнинг 2019 йил 30-31 январь кунлари Жиззах вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган тарзда ўтказилган 5-сонли мажлис баёнида белгиланган устувор вазифалар ижроси доирасида тегишли ташкилотлар ташаббуси билан 2019 йил 27 февраль кунини мамлакатимизда биринчи замонавий уруғчилик кластери — "Semrug cluster" МЧЖ ташкил этилди. Хитойдан илғор инновацион технологиялар асосида пахта ва галла уруғларини тайёрловчи ускуналар келтирилиб, ишга туширилди. Бунинг натижасида 67 та янги иш ўрни яратилди ва илм-фанга асосланган ҳолда рақамли технологияларни соҳага татбиқ этиш имконини берадиган замонавий корхона ташкил этилди. Уруғчиликка ихтисослаштирилган инновацион "Semrug cluster" МЧЖ илм-фанни қишлоқ хўжалигига интеграция қилиш мақсадида Ўзбекистон Фанлар академиясини Генетика ва усимликлар экспериментал биологияси институти, Геномика ва биоинформатика маркази, Республика пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, Галларордаги Лалмикор деҳқончилик илмий-тадқиқот институти ва Андижон вилоятидаги Дон ва дуқкакли экинлар илмий-тадқиқот институти билан илмий-амалий меморандум асосида лицензион шартномалар тузди. Олимлар томонидан яратилган гузанинг инновацион истиқболли, тола чиқими 40 фоиз бўлган, ҳосилдорлиги 40-45 центнердан

юқори, сувсизликка ва касалликка чидамли "Султон", "Порлоқ-4", "Равнақ-2", "Зафар", "Барака" навлари қўлайтирилди. Дон ва дуқкакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг уруғчилик кластери институтининг Жиззах вилоятидаги таянч шохобчаси сифатида қабул қилинди. Кластер илмий-тадқиқот институти томонидан давлат реестрига киритилган истиқболли, маҳаллий ва хорижий навларнинг серхосил, тақририй экинбоб, эртапишар, қўроқчиликка, касаллик ва зараркундаларга чидамли уруғлар билан таъминланди. Президентимизнинг 2021 йил 3 февралдаги "Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар курсатишни янада ривожлантириш тўғрисида"ги фармони ва вилоят ҳокимининг қарорига асосан, "Semrug cluster" МЧЖ томонидан уруғчилик пахта ва галла экинларининг уруғчилик хомашёсини етиштиришда жами 216 гектар ер майдонида пахтачилик ҳамда дон ва дуқкакли экинлар илмий-тадқиқот институти билан меморандум асосида гузанинг энг юқори авлоди, шунингдек, галланинг биринчи уруғ қўлайтириш авлодларининг маҳаллий ва Краснодар инновацион навлари етиштирилиб, мувофиқлик сертификатлари асосида уруғлар тайёрланиши йўлга қўйилди. Уруғчилик кластери 2021-2023 йилларда экспорт корхонага айлиниб, 1 тонна чигитни республикамиздаги бошқа кластерларга қиёслашганда энг юқори нархда экспорт қилишга эришиди. Айни пайтда 9 та вилоятдаги 17 та пахтачилик ва галлачилик кластерига ҳамда юртимиздаги энг йирик ва илғор 184 та уруғчилик фермер хўжалигига шартнома асосида уруғчилик чигит ва бугдой етказиб беряпти.

Давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик ва бизнесга жуда катта имконият ва кенг шaroитлар яратилаётганидан фойдаланиб, уруғчилик кластери ўз фаолиятини ривожлантириш, кенгайтириш, янги ишланмаларни яратиш, истиқболли пахта ва галланинг асл навларини қўлайтириш, вилоятлардаги кластерларга ҳамда йирик ва илғор уруғчилик фермерларини бирламчи уруғлар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилдан бошлаб Дўстлик, Пахтакор, Зарбдор ва Мирзачўл туманларида биттадан фермер хўжаликлари шартнома асосида уруғчилик кластерига бириктирилди ва у ерда гузанинг янги технологиялар ёрдамида яратилган навларини экиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида қўшимча 120 та янги иш ўрни яратилди. — Кластеримиз республикада гуза ва бошоқли дон бўйича инновацион, янги истиқболли 2 та нав яратиб, муаллифликка ҳам эришди, — дейди кластер раиси Шохқасан Сувонов. — 2023 йил уруғчилик кластерини илм-фан билан қишлоқ хўжалигини янада интеграция қилиш, янги иш ўринлари яратиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Президентимизнинг "Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонига мувофиқ, "20 минг тадбиркор — 500 минг маҳаллаи мутахассис" дастури доирасида иш олиб бораемиз. Бу борада Хитойдан тўқув ускуналари олиб келиш учун умумий қиймати 7 миллиард сўмлик шартнома имзолашди. Лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида "Темир дастар"га киритилган 150 кишини доимий иш билан таъминлайми.

Зоҳир ЭРТАШЕВ, журналист

МУНОСАБАТ



Актам ХАЙТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари

Бошланиши 1-бетда

Халқларимизнинг маънавияти, маданияти, адабиёти ҳам бир-бирига ўхшаш. Бу дўстликнинг илдизлари эса

бошдан бўён товар айирбошлаш 34 фоизга ошгани бунинг яққол тасдиғидир.

Автомобилсозлик, электротехника, тўқимачилик, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва ипакчилик тармоқларида кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда. Транспорт ва логистика соҳасида истиқболли лойиҳалар тайёрланмоқда.

Жорий йилда БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) таъсис этилганига 25 йил тўлди. Айтиш жоизки, СПЕКА 1998 йил 26 март куни Марказий Осиё Президентлари, шунингдек, БМТ Европа иқтисодиёти комиссияси ҳамда Осиё ва Тинч океани учун БМТ Иқтисодиёти комиссиялари ижрочи котиблари томонидан имзоланган Тошкент декларацияси билан таъсис этилган. Дастурнинг асосий мақсади иштирокчи давлатларнинг иқтисодий ривожланишига, ҳамкорликка, шунингдек, Европа ва Осиё иқтисодиётларининг интеграция қилишга қўмаклашишдан иборат. Ҳозирда Ўзбекистон, Озарбайжон,

айлантириш мақсадида шерикликнинг асосий йўналишлари бўйича илчи гуруҳлар фаолияти самарадорлигини кескин ошириш, дастурнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

БМТ Европа иқтисодий комиссияси ҳамда ЭСКАП экспертлари билан биргаликда "СПЕКА — 2030" тараққиёт концепциясини ишлаб чиқиш таклиф этилди. Бу ва бошқа чоралар, давлатларимиз ўзаро савдо айланмасини ҳозирги 52 миллиарддан 2030 йилга бориб, 100 миллиард долларга, унинг таркибидаги саноат маҳсулотлари улушини эса 70 фоизга етказишга ҳизмат қилади.

"Яшил" иқтисодиёт, инновациялар, юқори технологиялар, логистика, муқобил энергетика, "ақлли" қишлоқ хўжалиги, замонавий ижтимоий инфратузилмани яратиш ва бошқа соҳалардаги йирик лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида СПЕКАнинг Мақсадли жамғармасини келгуси йилнинг ўзида ташкил этиш ва унинг амалий ишини йўлга қўйиш муҳимлиги қайд этилди.



TRANСПОРТ-ЛОГИСТИКА

МУЛЬТИМОДАЛ РАҚАМЛАШТИРИШ ПЛАТФОРМАСИ

халқаро ҳамкорликнинг самарали механизмига айланади

Абдурауф ҚОРЖОВОВ, "Янги Ўзбекистон" мухбири

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов шу йилнинг апрель ойида СПЕКАга аъзо давлатлар вазирлари иштирокида видеоконференцалоқа тарзида бўлиб ўтган йиғилишда қайд этганидек, ушбу платформа мамлакатимизнинг кейинги йиллардаги фаол ташқи иқтисодий сиёсатининг савдо-иқтисодий ва сарможий соҳаларида сезиларли натижа берди. Хусусан, Ўзбекистон ва СПЕКА давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш миқдори икки баробар ошиб, 9,2 миллиард долларни ташкил этди. Минтақа мамлакатлари корхоналари билан йўлга қўйилган қўшма субъектлар сони 2017 йилдан бўён беш баробар кўпайиб, 2 минг 212 тага етди.

Мазкур йиғилишда транспорт йўлақлари диверсификация қилиш ва БМТ стандартини фойдаланган ҳолда Транскаспий йўлағи бўйлаб мультимодал маълумот ва ҳужжат алмашинуви рақамлаштириш бўйича "йўл харитаси" қабул қилиш масаласи муҳокама қилинган эди.

порт" маркази ҳамда пойтахтнинг бутун худуди бўйича ҳаракатланаётган транспорт турлари ва автомобиль йўлларини онлайн кузатиш имконини берувчи Ситуацион хизмат кўрсатишни ташкил этиш бўйича Ўзбекистонда жорий этилган "e-Enabling" тизимнинг самарадорлиги, шунингдек, темир йўллар тизимида жорий этилган сунъий интеллектдан фойдаланган ҳолда меъёрдан ортиқ ҳолда вагонларни аниқловчи янги ахборот тизимининг имкониятини юқори баҳолаш мумкин.


Шу билан бирга, ечимини кузатишнинг масалалар ҳам мавжуд. Жумладан, диспетчерлик марказларининг замонавий компьютерлар, интернет алоқаси ва қўшимча ахборот воситалари билан таъминланганлик даражасини тубдан яхшилаш зарур.

Божхона транзит технологиялари

Ўзбекистон Марказий Осиёда TIR-EPD, Real-Time SafeTIR, AskTIRweb технологияларини жорий этган биринчи мамлакат ҳисобланади. Шу йил июнь ойида Самарқандда TIR Ижроия кенгаши, Эрон, Покистон, Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ва Ўзбекистон божхона тизими масъуллари ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокида транзит ташкили рақамлаштириш масалаларига бағишланган йиғилишда бу жиҳатга алоҳида урғу берилган эди.

Рақамли транспорт йўналишлари

Минтақа мамлакатлари транспорт ва транзит коммуникациялари бўйича ҳамкорлик борасида ҳам улкан салоҳиятга эга. Масалан, Ўзбекистон Боку — Тбилиси — Ахалкалаки — Қарс темир йўлидан, Озар-



байжоннинг халқаро портдан, шунингдек, Шимол — Жануб ва Шарқ — Ғарб халқаро транспорт йўлақларидан фойдаланиши мумкин. Бундан ташқари, Осиёдан Европага энг қисқа куруқлик йўли, яъни Бокудан йўлга чиқувчи автомобиль ва поездлар Туркиянинг Қарс вилоятига тўғридан-тўғри етиб боришига имкон яратадиган Зангезур йўлагини тиклаш ҳам манфаатли чора-тадбирлар сирасига кириadi. Қолаверса, бу жараёнда транзит пунктлари функцияси билан чекланиб қолмай, транспорт йўналишлари бўйлаб ишлаб чиқариш, логистика ва савдо майдончаларини ташкил этиш орқали иқтисодий йўлақлар шакллантирилиши мумкин.

Транскаспий халқаро транспорт йўналиши Хитой, Қозғоғистон, Каспий денгизи, Озарбайжон, Грузия, Туркия, Қора денгиз ва ундан кейин Европа давлатларига ўтади. Озарбайжонлик эксперт Гасан Гасановнинг айтишича, "Транскаспий йўлағи мультимодал, аниқроқ, темир йўл, автомобиль ва авиация йўлағига айланади. Бундан ташқари, Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон — Туркменистон — Озарбайжон лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. Энергия қувурлари транспорт тизимини ривожлантириш ҳам Транскаспий йўлағининг таркибий қисми бўлиши мумкин".

Грециянинг мультимодал оқи ташиш компанияси директори Жулия Шабанова интервьюларидан бирида Транскаспий йўлағидан тулақонли фойдаланиш вақти келганини айтган эди. У куруқликдан бошланиб, Каспий денгизи орқали Боку — Тбилиси — Қарс йўлига чиқиши ёки Батумидан Европага денгиз йўли билан боғланиши мумкин. Туркиянинг Истанбул ёки Мерсин шаҳарларига бемалол етиб боради. Ҳозир биз ана шу йўналишлардан фойдаланялмиз.

Ўзбекистон Озарбайжон ва Туркия билан юқори ҳужжатларини рақамлаштириш, шунингдек, бошқа давлатлар билан бундай лойиҳалар амалга оширилмоқда. Қонунчилик палатаси депутати Умид Жабборовнинг фикрича, Транспорт вазирлиги ҳузурида ташкил этилган "Рақамли транс-

Президентимиз ИХТ саммитида қабул қилинган ушбу ҳужжатга ИХТга аъзо бошқа мамлакатларни ҳам қўшилишга, ўзаро тариф ва йиғимларни мақбуллаштиришга даъват этди. Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Озарбайжон ва Туркия билан юқ ташқи ҳужжатларини рақамлаштирди, шунингдек, бошқа давлатлар билан бундай лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Бу каби замонавий тизимларни кенг жорий қилиш ҳамда самарали мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳрида ташкилотнинг Рақамли транспорт ва божхона офисини ташкил этиш ташаббуси илгари сурилди.

Мамлакатимиз транспорт йўлақларидан самарали фойдаланишга қаратилган лойиҳалар бўйича ишларни ШХТ, МДХ, ТРАСЕКА, ТДТ доирасида ҳам фаол олиб бормоқда.

Тадқиқотлар кўрсатмоқдаки, денгизга чиқиш имконига эга бўлмаган мамлакатлар транспорт хизматлари учун икки баробар кўп маблағ сарфлайди. Кўп ҳолда Марказий Осиё мамлакатлари учун транспорт харажатларни импорт қилинадиган товарлар қийматининг 60 фоизига етади.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг экспорт-импорт ва транзит алоқалари 9 та халқаро транспорт йўлағи бўйлаб амалга оширилмоқда, улардан 8 таси камида мазкур ташкилотга аъзо бир мамлакат орқали ўтади. Ўзбекистон билан чегарадош 5 мамлакатдан 2 таси ташкилот аъзоси (Қозғоғистон ва Қирғизистон) ва 1 таси кузатувчи мақомига эга (Туркменистон).

Ҳозир жаҳоннинг аксарият давлатлари олдида қўндалган турган муаммолар транспорт ва божхона соҳаларида кузатилмаган. Шу боис, ташкилотга аъзо давлатлар бошқа мамлакатларни ҳам божхона тартиб-таомиллари соддаштирилган мазкур йўлакка интеграциялаштиришга даъват этмоқда.

Негаки, Осиё орқали асосий жаҳон бозорлари, жумладан, Хитой, Ҳиндистон, Покистон ва Осиёнинг бошқа мамлакатларига, шунингдек, Озарбайжон ва Туркия орқали Европа давлатларига чиқишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бу йўналишларда транспорт йўлақларини ривожлантириш, логистика инфратузилмасини яратиш бўйича йирик лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш умумий манфаатларимизга тўла жавоб беради.

Ташкилотга аъзо давлатларнинг рақамли технологияларни жорий этишни кенгайтиришга интилиши бу соҳада амалий ҳамкорлигини янада ошириш, жумладан, электрон минтақаларо савдо ва товар биржасини биргаликда ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштириш учун шароит яратяди.

Рақамли ечимлар Марказий Осиё мамлакатларини Хитой ва Жанубий Осиё минтақаси билан боғлаши мумкин бўлган куруқлик кўприғига айлантиришга имкон беради. Бу эса минтақа давлатларининг глобал таъминот занжирлари ва халқаро транзит юк ташувларига янада қудрокроқ интеграциялашувини таъминлайди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ИҚТИСОДИЁТИ

глобал аҳамиятга молик ўзаро боғлиқлик маркази

узок тарихдан қувват олади. "Авесто" китоби икки элнинг муштарак ёдроллиги саналади. Ўзбек ва озарбайжон халқининг байрами — Наврўзи бир. Халқ озаки ижодининг нодир дурдоналари — "Гуруғли", "Ошиқ Ғариб", "Дада Қўруқ" дostonлари эса азалий қардошлиқнинг илдизлари ҳақида янада теран сўзлайди. Уларнинг санъати, музикаси ҳамоҳанг.

Шу жиҳатдан ҳам халқларимиз тилмочсиз сўзлашади. Кейинги йил-

Қозғоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон СПЕКАнинг иштирокчи давлатлари ҳисобланади. Европа иқтисодий комиссияси ва ЭСКАТО иштирокида СПЕКА мамлакатларидаги БМТнинг доимий координаторлари билан яқин ҳамкорликда дастур доирасидаги фаолиятни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Дастурга Бокуда "СПЕКА ҳафталиғи"га мезбонлик қилган Озарбайжон раислик қилди. Форумда минтақанин

БМТ иқтисослашган институтлари билан минтақада транспорт боғлиқлигини кучайтириш бўйича йирик лойиҳаларни фаол илгари суриш нияти билдирилди.

Ўзбекистон етакчиси СПЕКА доирасида озик-овқат хавфсизлигини самарали таъминлаш бўйича юқори даражадаги махсус ишчи гуруҳини тузиш ва унинг илк учрашувини келгуси йили Самарқандда ўтказишни таклиф этди. Сув, энергетика, экология ва қишлоқ хўжалиғи соҳалари ўзаро узвий боғлиқ эканидан келиб чиқиб, СПЕКАнинг кенг қўламли янги концептуал ҳужжатини — кўп томонлама "Яшил стратегияси"ни қабул қилиш муҳимлиги қайд этилди.

БМТ таҳлилларига кўра, сув тақчиллиги туфайли минтақамиз давлатлари ҳар йили қарийб 2 миллиард долларгача маблағ йўқотмоқда. Бундай мураккаб жараён янада кучайса, муаммолар комплекс ҳал этилмаса, келгусида аҳоли жон бошига сув билан таъминлаш кўрсаткичи 25 фоизга, ҳосилдорлик эса 40 фоизга қисқариб кетиши мумкин.

Ўзаро боғлиқ транспорт йўлақларини ривожлантириш ҳақида сўз юртар экан, Президентимиз Транскаспий мультимодал йўлағи доирасида маълумот алмашиш жараёнини рақамлаштиришга қаратилган "Йўл харитаси"ни ҳаётга тўлиқ таъбиқ этиш зарурлигини таъкидлади. Келгуси йилда Ўзбекистонда "Рақамли транспорт маршрутлари" халқаро форумини ўтказиш ташаббуси энг муҳим чакриқ бўлди.

Давлатимиз раҳбари гендер тенглиги таъминлаш, хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига жалб қи-

транзит йўналишларини диверсификация қилиш, рақамлаштириш, савдо ва транспортни ривожлантириш, шунингдек, барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишдаги муҳим роли муҳокама қилинди.

Президентимиз 24 ноябрь куни Боку шаҳрида БМТнинг Марказий

ларда бу азалий биродарлик, ўзаро ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Юқори даражадаги алоқалар сезиларли даражада фаоллашиб, парламентларо ҳамкорлик ҳам изчил ривожланмоқда. Парламент вакиллари Ўзбекистон ва Озарбайжонда бўлиб ўтаётган Президент ва парламент сайловларида халқаро кузатувчи сифатида мунтазам иштирок этиб келаётганини фикримиз далилидир.

Шавкат Мирзиёевнинг янги фаол ташқи сиёсати туфайли Ўзбекистон билан Озарбайжон ўртасидаги кўп қиррали муносабатлар стратегик шериклик даражасига чиқди ва илдан-йилга жадал кенгайиб бормоқда.

Икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсишга эришди. Қўшма корхоналар сони 4 баробар ошди. Жорий йилда келишувга эришилган, шунингдек, Озарбайжонда узбек автомобилларини йиғиш, ипакчилик ва тўқимачилик кластерлари каби лойиҳаларнинг амалга оширилиши ҳам самарали ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 23-24 ноябрь кунлари Озарбайжон Республикаси Президентини Илҳом Алиевнинг таклифига биноан ушбу мамлакатта амалий ташрифи стратегик шериклигини мустаҳкамлаш йўлида ташланган яна бир муҳим қадам бўлди. Боку шаҳрига ташриф доирасида бўлиб ўтган музокаралар чоғида Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлиги ва стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилиниб, олий даражада эришилган келишувлар ижроси кўриб чиқилди.

Тизим ва самарали мулоқотлар туфайли Ўзбекистон — Озарбайжон муносабатлари сифат жиҳатидан янги даражага кўтарилгани, амалий мазмун билан бойигани мамнуният билан қайд этилди. Йил



Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) биринчи саммитида иштирок этди ва нутқ сўзлади. Дастур доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлигини янада кенгайтириш, худудий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида СПЕКАнинг Мақсадли жамғармасини ташкил этиш, транспорт йўлақларини рақамлаштиришга қаратилган "Йўл харитаси"ни қабул қилиш, тадбиркорлик ташаббусларини илгари суриш ва бошқа масалалар сессия кун тартибидан ўрин олди.

Шавкат Мирзиёев минтақавий ҳамкорлигини янада кучайтириш бўйича қатор амалий ташаббусларни илгари сурди. Дастурни иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтириш борасида янада таъсирчан минтақавий платформага



Бошланиши 1-бетда

Нефть ва газ муҳандислиги, минерал ўғитлар, полимер маҳсулотлари, қурилиш материаллари, қимматбаҳо ва нодир ер металлари қазиб олишнинг кимёвий ва физик жараёнлари бўйича бакалаврлар тайёрланмоқда. Шунингдек, иқтисодиётнинг озик-овқат кимёси ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби реал сектори учун кадрлар етказиб бериш йўлга қўйилган. Саноатни рақамли ўзгартириш дастури доирасида ахборот тизимлари ва

англатади. Роботлаштириш жараёни ва сунъий интеллектни жорий этиш қўлами кенгайтиришга қарамай, малакали муҳандис кадрларга эҳтиёж долзарблигича қолмоқда. Муайян ечимлардан бири сифатида “электрон институт” моделини жорий этиш, хусусан, оммавий онлайн курслар очиб зарурати мавжуд.

Қашқадарё вилоятида корхона — касб-хўнар мактаби — ОТМ ҳамкорлигида кадрларни узлуксиз тайёрлаш тизимини яратиб борасида Uzbekistan GTL компаниясининг



“**Рақамли иқтисодиёт (4.0 индустрияси) мақсад ва вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун таълимни фундаменталлаштириш, муҳандислик таълимини рақамлаштиришда юзага келган тўсиқларни бартараф этиш зарур.**”



саноатни рақамли ўзгартириш дастури



Ботир УСМОНОВ, техника фанлари доктори, профессор

технологиялари мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш устида ишланмоқда. Жараёнда илгор хорижий тажриба, хусусан, Болонья декларациясини имзолаган Европа давлатлари, Қозғистон ҳамда АҚШ университетларининг таклифи инobatта олинмоқда.

Жаҳон кимё саноати ҳозир жуда жиддий муаммоларга дуч келмоқда. Булар: кимёвий маҳсулотларни қўллаш соҳасининг мисли қўрилмаган кенгайтиши ва экологик хавфсизлик талабларининг ошиши, электроника ва “яшил” энергетика ривожланиши билан боғлиқ масалалар, аммо биринчи навбатда, бу саноат 4.0 га ўтиш ва рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллектни, роботлаштиришни кенг жорий этишидир. Бу энди муҳандислардан табиий, техника ва математика фанлари бўйича юқори даражадаги тайёрлар талаб этилишини

қирикларни тажрибаси мавжуд. Компания ҳисоб-китобларига кўра, 2030 йилга бориб, биргина Uzbekistan GTL ҳар йили юзлаб ёш мутахассисларга эҳтиёж сезади. Шу боис, битирувчининг профили халқаро инжиниринг компаниялари профилига мос келиши керак. Бу эса соҳада ишлаётганлар сони янада кўпайиши ҳамда кўпроқ ёшларни муҳандислар тайёрлаш тизими билан қамраб олиш кераклигини аналитади.

Ўзбекистоннинг илмий-техникавий тарақиётида кадрлар салоҳияти масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Гап, биринчи навбатда, янги кадрлар тайёрлайдиган ўқитувчиларни қаердан топиш ҳақида кетади. Айни пайтда маҳаллий олий ўқув юртлири талабалари ва ўқитувчиларининг белгиланган мақсадлар доирасида янги технологияларни жорий этишга тайёрлиги кўп ишни ҳал қилади. Зотан, муҳандислик таълимни муҳандислик тажрибасини ривожлантиришни назарда тутади. У кенг қўлами масалаларни қамраб олади. Рақамлаштириш муаммолари, рақамли иқтисодиётнинг асосий технологиялари, рақамли трансформация сценарийлари, муҳандислик фаолиятининг янги устувор йўналишлари, келажак таълимнинг асосий тенденциялари шулар жумласидан. Муҳандиснинг вазифаси ҳам ўзгариб бормоқда. Демак, муҳандислик таълими ҳам мазмунан, ҳам услубий жиҳатдан ўзгариши керак.

Хорижий етакчи олий ўқув юртлири профессор-ўқитувчиларини тайёрлашга тизимли ёндашиб, жаҳоннинг илгор тажрибасига эътибор қаратмоқда. Муҳандислик таълимни бўйича илгор педагогик тажриба Ўзбекистон университетлари учун ҳам жуда муҳим. Олий таълим мазмуни ва



технологияларидаги ўзгаришларнинг юқори динамикаси натижасида профессор-ўқитувчилар малакаси қадриятларини бир томондан илмий-педагогик фаолият интеграциясига, бошқа томондан, олий STEM таълим бўйича жорий стратегия ва халқаро стандартларга мувофиқ, университетда ўқитувчилар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга зарурат сезилмоқда. Ушбу масала ечими сифатида турли тоифадаги (профессор, доцент, ассистент) ўқитувчилар меҳнат тақсимотини ҳисобга олган ҳолда илмий-педагогик фаолиятнинг турли йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчилар таркибини тайёрлашга комплекс ёндашув таклифи қиламиз. Уларнинг юқори иш унумдорлигига эришиши учун шахсий

компьютер дастурини тенглаштириш, профессор, доцент ва ассистентлар фаолиятининг устувор йўналишларини ҳисобга олиш керак. Бу, биринчи навбатда, илмий-педагогик фаолият таркибий қисмларини ҳамда педагог ҳодимларнинг тегишли компетенцияларини аниқлашни талаб этади.

ОТМ ўқув ва илмий фаолиятини рақамлаштириш ҳамда юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёни бўйича қилинадиган ишлар кўп. Аввало, “Таянч докторантура ўзининг асосий вазифасини бажара оладими?” деган саволга жавоб бериш керак. Зотан, илмий соҳа таълим тизими каби сезиларли инерцияга эга. Шунинг учун бунда ҳаддан ташқари кескин бурилишлар хавфи ва салбий оқибатларга олиб

келади. Мураккаб ихтимой тизимларни самарали бошқариш учун ушбу тизимлар ҳолатини тавсифловчи параметрларни инобатга олмастик мумкин эмас. Бу ўринда докторантларнинг фан ва олий таълимдаги касбий фаолиятларга рағбати йўқлиги ҳақидаги фикрлар ҳақиқий ҳолатга мос келмайди. Чунки Ўзбекистонда ёш олимлар улуши Россия Федерацияси ва МДҲ мамлакатларидагидан кам эмас. Муаммо бошқа тарафда — ўрта ёшдаги (40+ ёш) тадқиқотчилар сафи камайиб бормоқда. Шу боис, илм-фан ва олий таълимни кадрлар билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг вазифаси ёшларни жалб қилишдан кўра, ўрта ёшдаги тадқиқотчиларни сақлаб қолиш механизмларини излашдан иборат бўлиши керак. Бирок, бу вазифа докторлик институтининг функционал имкониятларидан ташқарида.

Диссертация кенгашларининг фаолияти юқори малакали кадрлар тайёрлашга қўмақлаштиришга қаратилган. Бугун мамлакатимизда педагогика фанлари бўйича 19 та кенгаш мавжуд. Улар, асосан, кўп тармоқли олий ўқув юртлири, жумладан, педагогика, гуманитар, иқодий, жисмоний тарбия йўналишларидаги ОТМларда жамланган. Фақат иккитасида таълим олий ўқув юртлирида касб-хўнар таълимни назариса ва методика касби мутахассислиги бўйича битта кенгаш фаолият юритмоқда. Кенгашлар сонини кўпайтириб, диссертациялар мавзусининг хилма-хил бўлиши педагогик таълимнинг касбий мазмунини лойиҳалаш, касб-хўнар таълимини фундаменталлаштириш, техника йўналишдаги университетда икки томонлама компетенцияга эга мутахассислар

тайёрлаш, дастурий инжиниринг соҳасида мутахассисларни инновацион тайёрлашнинг дидактик тизими, вилоятлардаги машинасозлик корхоналари учун бошқичма-бошқич малака ошириш учун кўп тармоқли тизимларни ишга туширишда қўмақлашади.

Нефть-кимё мажмуасини технологик ўзгартириш шароитида муҳандислик олий таълим муассасаси рақобатбардош битирувчиларини тайёрлашнинг яна бир варианти илгор технологияларни кенг қўламда жорий этиш, янги ишлаб чиқариш қувватини яратиш, саноатни рақамлаштириш ва тежамкор ишлаб чиқаришни жорий этишдан иборат. Бу ишчилар фаолиятининг мазмунини ўзгартиришга олиб келади. Жумладан, функционал мажбуриятлар кенгайди, янги ваколатлар пайдо бўлади ва меҳнат шароити ўзгаради. Технологик ўзгаришларни амалга ошириш учун малакали кадрлар тайёрлашнинг самарали механизми узлуксиз ўқитишдир.

Мактаб ўқувчиларида муҳандислик қарашини эрта шакллантиришга қаратилган тайёрларлик бўйича кўп ишлар қилиш мумкин. Бу жараёнинг асосий субъекти саноатнинг узоқ муддатли ривожланишини белгиловчи ва уни амалга оширувчи тадбиркорлик жамиятидир. Янги таълим дастурлари, ўқув фанларини ишлаб чиқувчи, илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг долзарб мавзуларини аниқлайдиган ўқитувчилар, ихтисослаштирилган конференция ва грант дастурларида иштирок этувчи талабалар янги гоёларни ишлаб чиқади.

Бўлгуси мутахассислар ўртасида мураккаб технологик муаммоларни ҳал қилиш учун комплекс муҳандислик ёндашувини ривожлантиришда ўқув жараёнида фанларо таълим дастурлари ва модулларини жорий этиш ердам беради. Олий ўқув юртига танлов асосида қабул қилинган ва юқори ўтиш баллига эга 1-курс талабалари хорижлик профессор-ўқитувчилар, университетнинг бизнес ҳамкорлари, экспертлар иштирокидаги семинар ва маҳорат дарсларида иштирок этади. Кимё саноати корхоналарига экскурсияларда қатнашади. Ишлаб чиқариш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган халқаро конференция, танлов, ҳақотан, муҳандислик давралари ва чемпионатларида қатнашади.

Мазкур мулоҳазаларни умумлаштириб, муайян ҳулосалар чиқариш мумкин. Аввало, аънаввий таълим тизими иқодий фикрлайдиган мутахассисларни тайёрлашда юқори салоҳиятга эга. Шу боис, мамлакатимизда мутахассислар тафаккурини “умумийдан хусусийга” тизимли таълим тамойили асосида шакллантириш зарурати мавжуд.

Иккинчидан, саноат 4.0 тизими муҳандислик, ахборот ва когнитив технологиялар, лойиҳаларни бошқариш, математика, физика, кимё, механика, материалшунослик, амалвий математика, физик ва кимёвий суоқлиқлар динамикаси, тизим таҳлили, моделлаштириш соҳаларида чуқур билимга эга мутахассислар талаб қилинади.

Учинчидан, рақамли иқтисодиёт (4.0 индустрияси) мақсад ва вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун таълимни фундаменталлаштириш, муҳандислик таълимини рақамлаштиришда юзага келган тўсиқларни бартараф этиш зарур.

Тўртинчидан, муҳандислик фаолияти ва таълимда муҳандислик педагогикаси мумкин аҳамиятга эга. Шу боис, уни ривожлантиришга алоҳида эътибор ва ёндашув талаб этилади.

ЗИЁРАТ ТУРИЗМИ

“ЙИҒЛАЁТГАН” ДАРАХТ ҚАЕРДА?

Касби тумани Қашқадарёнинг тарихий ҳудудларидан бири. Маълумотларга кўра, қадимда бу ерда шаҳар ҳам мавжуд бўлган. Буюк ипак йўли айнан шу манзилдан ҳам ўтгани боис, маънавият, илм-фан, савдо-сотик яхши ривожланган. Шунингдек, азиз-авлиёлар, пиру комиллар етишиб чиқишига муносиб замин бўлган. Хусусан, Султон Мир Ҳайдар зиёратгоҳи ҳам Буюк ипак йўлида жойлашган бўлиб, бу ерда ўнлаб сардоба, карвонсарой бунёд этилган. Қулолчилик, темирчилик, гиламдўзлик яхши йўлга қўйилган. Бу йўлдан ўтган ҳар бир карвон муқаддас қадамжони зиёрат қилиб, кейин манзили томон равона бўлган.



ота ҳақида айрим китоблар мавжудлиги ҳақида гапиришарди. Аммо кейинчалик бу ҳақда ҳеч ким эсламай қўйди. Шу пайтга қадар зиёратгоҳ ҳам эътибордан четда бўлиб, ачинарли аҳволда эди. Яқин-атрофдаги аҳоли хашар йўли билан имкон қадар таъмирлаб, тозалаб турарди. Кейинчалик алоҳида дастур асосида маблаг ажратилиб, обод меканга айлантирилди. Бир қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Тарихий манбаларга кўра, Хожа Шамсиддиннинг дунёга келиши Ҳақим ота томонидан башорат қилинган. Яъни Сулаймон Боқирғоний Шайх Жамолiddин хонадониде авлиё дунёга келишини ул зотнинг амакиси Ҳазрат Саййид Муҳаммад Абдуллоҳга айтган.

Айрим маълумотларга кўра, Султон Мир Ҳайдар ота 1275 йилда Хуросоннинг Қойим шаҳрида дунёга келган. Ойлада тўртинчи фарзанд бўлган. Отаси Шайх Жамолiddин мадрасада талабаларга дарс берган. Шу боис, Мир Ҳайдарни асосан, амакиси Саййид Муҳаммад Абдуллоҳ тарбия қилган. 4 ёшида мадрасага бориб, беш ёшида алифбо ва ёзувини ўрганган, 6-7 ёшида ҳадисни ёд олиб, қориларга шогирд тушган. У Шайх Жалолiddин Қўҳажий, Абдулло Замашхари, устоз Оловуд-давла ва Шайх Хуросонийдан Қўрьон, ҳадис, фикҳ, қироят илми ва тажвид қондасини ўрганади. Тўққиз

ёшида эса Қўрьон каримини етти хил қироят қиладиган даражага етган. Амакиси билан ҳажга борганда ўн ёшда эди. У ердаги мадрасада уша пайтдаги Маккаи мукаррама амирининг ўғли Рамзиддин билан дўстлашади.

Нақл қилишларича, Хожа Шамсиддин дуо билан Рамзиддиннинг дардига шифо топилишига сабабчи бўлиб, амирнинг назарига тушган. Бундан хурсанд бўлган Маккаи амираи ўғли ва Султон Мир Ҳайдарни тахсил олиш учун Мисрга жўнатади. Маккага қайтгандан сўнг, амир саройида етук шайхлар томонидан имтиҳондан ўтказилади. Синовдан муваффақиятли ўтган Хожа Шамсиддин 14 ёшида Макка ва Мадинага имом ҳамда икки Ҳарам толибларига устоз, деб эълон қилинади.

У киши баалоғатга етганида ўз илми билан етук олим сифатида танилган. Ҳатто Миср мадраса аҳли, Бағдод ва Истанбул толиблари ҳам еча олмаган саволларга аҳли сунна вал-жамоа ва Имом Бухорий ҳадисларидан жавоб топиб бергани ёзилди. Бу эса унинг “Валиуллоҳ Мир Ҳайдар” деб улуғланишига сабаб бўлади. Мақоматларда қайд этилганидек, “Ул азизнинг мақсади охир замон пайгамбари (с.а.в.)нинг суннат ва йўлларини ҳамда ислом динини элга етказиб, шогирдларига устозлик қилиб, илм дарёсидан бир қатра

бўлса ҳам ўргатиб, ўзларидан ибратли из қолдириш эди”. Албатта, Султон Мир Ҳайдар ўз мақсади йўлида қатъий ҳаракат қилди.

Ривоятларга кўра, Хожа Шамсиддин йигирма тўққиз ёшида туш кўради. Тушида Ҳазрат Али (р.а.), Аҳмад Яссавий, Ҳақим Ота ва Ойхожа Валий унга Хоразмга бориб, илм ахли ҳамда ислом ҳимоячиси бўлишни буюради. Яъни бу билан Хожа Шамсиддиннинг тарикатда пирилик даражасига ва султон мақомига етгани ҳақида азиз-авлиёлар ғойибдан хабар бергани маълум бўлади. Шунга кўра, ўттиз ёшида Балхдан Қундузга, сўнг Чоржўйга келган. Хубби Хожа, Ҳасан Хожа ва Полвони Аҳмад ота, сўнгра Зангиотинга ва кейин менга теғди. Мен ҳам улларнинг ўғити ва ҳикматларига амал қилиб, йўлини бекаму кўст охирига етказдим, ҳеч бир ўзгаришсиз ўргатдим, кишининг ушқонини емадим, меҳнатим ортидан ўз номини топдим. Аллоҳ сувидан ва ризқидан ризқландим. Бирор кишидан таъма ёки ҳадя олмадим. Топганларимни элга, етим-еширга бердим, илм йўлига сарф айладим. Аллоҳдан бошқага сизинмадим, бosh эгмадим, шарият олимлари илмини камолга етказдим. Муҳаммад алайҳиссалом йўлидан четга чиқмадим. Адаб йўлида сизга ибрат бўлдим”. Мир Ҳайдар ота бу васияти билан шогирдларини унинг йўлини давом эттиришга даъват этган.

Бу улғут зот ҳақидаги баъзи ривоятларда ёзилганича, у Ғузурда яшаган, уни ўзларига амир этиб сайлаган жанда кийимли дарвешлар Касбига тобут кўтариб келиб, Мир Ҳайдар ота жасадини олиб кетган ва Миржанда қадамжосига дафн қилган. Яна Аҳмад Хоразмий ҳам Султон Мир Ҳайдар ота ҳокими Хоразмга олиб бориб, Ҳақим Ота марқадига дафн этган. Бирок бу улғут зотнинг авлодлари ҳар гап майдитни Касбига қайтариб келган. Шундай қилиб, бошқа авлиёлар сингарии уч ерда Султон Мир Ҳайдар ота мақбараси пайдо бўлган. Бугунги кунда ҳар уч-чала манзил ҳам муқаддас қадамжо ҳисобланади.

Улғу авлиё Султон Мир Ҳайдар ота мақбарасига бугун маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар кўп боради. Шунга монанд тарихий ёдгорлик атрофи ободонлаштирилган. Улуғбек Аминовнинг таъйидлашича, йилига йигирма мингдан ортик маҳаллий зиёратчи ташриф буюрмоқда. Шунингдек, кейинги пайтда чет эллик меҳмонлар ҳам турistik ташкилотлар орқали келишни бошлаган.

Султон Мир Ҳайдар ота зиёратгоҳидан чиқиб, Қарши шаҳри томон ортта қайтсангиз, шундоққина катта йўлнинг ёнида яна бир қадамжога кўзингиз тушади.


Ушбу маскан Имом Муҳаммад Садр Ислон зиёратгоҳи бўлиб, Касби туманининг Хўжақарлик қишлоғида жойлашган. Бу ерда битта масжид ва битта хонақо мавжуд. Хонақо ичкарасида Имом Муҳаммад Садр Ислон дафн этилгани айтилади. Қишлоқ одамларининг айтишича, VIII-IX асрларда яшаб ўтган Имом Муҳаммад Садр Ислон дин пешволаридан бири ҳисобланиб, бу ерга илм тарқатиш, устозлик қилиш мақсадида келган. У киши ҳақида эса шу пайтгача аниқ манбалар сақланмагани боис, бирор-бир китоб нашр этилмаган. Бу ердаги ҳақиқатлардан яна бири, зиёратгоҳ ҳовлисидаги даракларнинг ўзгача эканлигида. Маҳаллий аҳолининг таъбирича, “Йиғлаётган даракт”, деб ном берилишида ўзига хос хислат бор. Яъни дараклар ўз танақиддан суоқлиқ ажратлади.

— Бу даракларнинг бошқа жойда учратмайсиз, — дейди “Хўжақарлик” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Набижон Самадов. — Улар зиёратгоҳ ҳовлисида анчагина. Қизик томони, чиқарётган суоқлигини бехуда сарфламайди. Танасининг пастки, йўғон қисмида кўзасимон чуқур қавакча ҳосил қилиб, шу ерга суви, яъни “кўз ёши” йиғилиб туради. Айрим кишилар шу сувдан олиб, касалликларга даво сифатида ишлатади. Баъзилар чашма даракти ҳам дейишади.

Юқорида таъйидлаганимиздек, юртимизда буюк мутафаккирлар абадий кўним топан муқаддас қадамжолар кўп. Уларнинг ибратли ҳаётини ўрганиб, ёш авлодга етказиш эса сизу бизнинг бурчимиз. Ўзига хос табиат мўъжизаларига бой манзиллар ҳақида эса кўп эшитгандан кўра, бир бориб кўрган афзал.

Акбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” муҳбири





МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

“АЁЛЛАРНИНГ ТАРБИЯТИ ФОЙДАЛИ...”

Жадид боболаримизнинг миллат аёлларини маърифати қилиш орзулари

Раъно САЙФУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори

Президентимиз шу йил ноябрь ойи бошида Туркий давлатлар ташкилоти давлат раҳбарлари кенгашининг 10-саммитидаги нутқида “Ижодий фикрлайдиган, истеъдодли ва шижоатли ёшларимиз истиқболда туркий дунёнинг янги Ренессансини барпо этишига ишончим комил. Бу йўлда уларга буюк аждодларимиз яратган илмий кашфиётлар ва маънавий мерос мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилади. Таъкидлаш ўринлики, ўтган асрда яшаган жадид боболаримизнинг ибратли фаолияти, илмий-ижодий меросини чуқур ўрганиш юзасидан аъзо мамлакатларда катта ишлар амалга оширилмоқда”, дея таъкидлади ҳамда уларнинг вақилларини жорий йилнинг декабрь ойида юртимизда бўлиб ўтадиган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро анжуманда фаол иштирок этишга таклиф қилди.



Ушбу ташаббус мамлакатимиз олимлари зиммасига янада улкан масъулият юклаб, жадид боболаримизнинг меросини янгирақ нигоҳ билан ўрганишга, тадқиқотлар қўлламини кенгайтиришга даъват этмоқда. Маълумки, буюк маърифатпарвар Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авловий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Исоқхон Иброт ва Абдурауф Фитрат асарларида сиёсий, ҳуқуқий масалалар билан бир қаторда оила, аёл маънавияти ва миллий ўзлик ғоялари ижтимоий-маърифий, маънавий-фалсафий жиҳатдан ниҳоятда чуқур ёрилган.

Серқирра истеъдод соҳиби, “Матбаа Исоқхон” нашриёти билан миллат тарихидаги биринчи ношир макомига эга Исоқхон тўра Ибротнинг биринчи устози онаси Тўрбиби ая бўлган. Болалигидан адабиётга ва китобга улкан муҳаббат билан улғайган маърифатпарвар олим ўзининг “Мезон-уз замон” асарида шундай дейди: “Усули жадид демак — янги қонда, янги тартиб демакдур, десак ҳамма қабулга олмаган эдилар. Гардиши оёвон ва хоҳиши замон ила ўзи-ўзича жорий бўлиб кетти. Аввалги вақтдаги маҳалла мактабда 5 йилда 3 адаб муаллимда ўқуб, охири саводим чиқмай, кейин қизлар мактабда, ўз ўйимизда волидаи марҳумамдан ўқуб савод чиқардим. Икки сана қиблагохимдан хуснихат машғ этдим. Боқинга, маҳалла мактабда усули қадимда етти йил умрни зойил этуб, ўқув-ёзувни билсон эдум. Мана энди банда ўзум усули саводини авлоди услонга ёрдамни кўруб, ўз масъудимизга мактаб оқдим. Бир санада қўб ёшлар, ҳаттоки катта ёшга кирган тўжжорлардан ўқуб, хат-саводини чиқоруб, маъшият ва тижоратларида осонликлар мушохада қилдилар. Ҳар замонинча ўзига қараб, илму хунар касби даркор.”

Исоқхон Иброт ота-оналарнинг ўзига замонавий билим бериш, уларнинг ўзларини янги мактабларга таклиф этишни, маънавиятини ошириб боришни кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала деб билган. Албатта, таълим тизимидаги янгилаштирилган тез натижа бермаслиги, бунинг учун кўп йиллар зарурилик ҳаммага маълум. Олим илм олиш билан хунар ўрганиш бирга олиб борилиши зарур, деб ҳисоблайди. Ота-онанинг шахсий ибрати, таълим-тарбияси боланинг соғлом, ҳар томонлама баркамол шаклланиши таъминлайди, унда ўқиган интилиш ҳиссини уйғотади. Бу мақсадларнинг рўёбга чиқишида маҳаллаларнинг ҳам ўрни бор. Бола кичиклигидан эгаллаши лозим бўлган билим, кўникама ёки маънавий сифатларнинг пойдевори оилада шаклланади.

“Тўрақўргондан мактуб” мақоласида олим энг оғриқли мавзулардан бирини ўртага ташлайди: “Ҳоло ҳам биз қадимги, эски андишадан мазорларга сўғиниб, ўз динимизга ҳаракат қилмай, оқча топсак, хоҳиш улук, тўлғарга ўн минга сарфчи бехуда, исроф деган уламо йўқ.

муни, йўллари, шакллари услуби ҳамда таркибий қисмлари ёрилган. Уларда ёшларнинг ақлий, ахлоқий, руҳий камолоти муаммоси етакчи қилиб қўйилган. Бу ғояни амалга оширишнинг асосий воситалари сифатида оиладаги маънавий муҳит ва таълим-тарбия тилга олинган.

Фарзанд вояга етказиб оиланинг фаровонлиги, қўб-баракиси оила маънавияти билан чамбарчас боғлиқ. Абдурауф Фитратнинг “Наҳот йўли” (1914) асарида “Оила тарбияси” деб номланган алоҳида боб мавжуд. Уларда олим оила қуришга ҳаёқат бераётган урф-одатларни қаттиқ танқид қилади. Тўғридаги ҳаражатлар, қалин олишларни қоралайди ҳамда қизларни оқила бека сифатида тарбиялаш энг муҳим масала эканлигини таъкидлайди. У уйланиш ниятида бўлган йигитларнинг тўрт нарсага яъни бўлажак келиннинг молига, мансабига, жамоли ва динига эътибор беришларини танқид қилади ҳамда ўз кузатишлари бўйича қуйидаги хулосага келади: маълум вақт ўтган, бойлик тугайди; насл-насаби тоза бўлса ҳам, унга етарли эътибор берилмаса кейинги шахсий ҳаётда қўб келмайди; қиз хусни абадий эмаслиги ва ташқи гўзаллик боқий эмаслигини таъкидлаб, имон-эътиқодли қизларга уйланишни тавсия этади. Имон-эътиқодли аёл оиласининг фаровон бўлишига ҳаракат қилади.

Абдурауф Фитрат асарларида она ва Ватан, миллий ўзлик туйғулари яхлит поэтик образга айланади. Унинг машҳур “Юрт қайғуси” сарлавҳали уч қисмдан иборат соҳмаларнинг тарихий-ижтимоий аҳамияти шундаки, уларда она образи орқали миллат озолиғи, мустамлаканинг қонли қиличи остида эзилётган халқнинг топталган эрки, ҳуқуқи каби буюк ғоялар илгари сурилади. Унинг дили ва тилини куйдириб “Она”, “Онам” деган нидо отилиб чиқади.

Онам! Сени қутқармоқ учун жонни керакдир? Номусми, виждон билга имонни керакдир? Темур била Чингиз қони тошди



томиримиздан, Айтгил! Сени қутқармоқ учун жонни керакдир? Мутафаккир олимнинг “имонни керакдир” деган сўзи “Ватанин севмоқ имондандир” деган ҳадисни ёдга солади. Ватанин қутқармоқ учун ширин жонидан кечиша тайёр, Ватан озолиғини номус ва виждон қадар юксак деб биледи. Профессор Анқабой Қўлжоновнинг фикрича, адибнинг “Юрт қайғуси” номли туркум соҳма шезърлари илк бор 1917 йилда “Хуррият” газетасида чоп этилган эди. Яшан тегизлига тарқалган асар ватанпарварлигини, миллатпарварлигининг ҳақиқий алангаси бўлиб, аросатда қолган халқ қалбини уйғотишга қўдир эди.

“Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси” номли нарсий асарига Фаранги Мударриснинг орасида жадидий баҳс бўлиб ўтгани келтирилади. “Бухорода аёллар ҳам таҳсил опадиларми”, деган саволига Мудар-




риснинг “йўқ”, жавобини эшитган Фаранги шундай дейди: “Нега уларни таҳсилдан бебаҳра қолдиранлар? Аёл ақли таълим ва тарбия хусусида эркакдан камроқ бўлмаса керак. Бизнинг ҳақимлардан бири айтдики: “Биз Америка ва Фарансиде аёлларнинг ихтиролари мушохада-сини кейин билдикки, аёлнинг тушуниш даражаси эркакникидан кам эмасдир”. Ва сизларнинг Лайғамбарингиз ҳам буюрдикки, “Талаб ул илму фаризатун ала кулли муслимин ва муслиматин”, яъни “Илм олиш ҳар бир муслимон эркак ва аёлга фарздор”. Аёлларнинг тарбияти фойдали бўлиб, “Ман жаа бил ҳасанати фалаху ашру амсалиха”, яъни “Кимки яхшилик келтирса, унга ўн баробар...” оятининг ҳукмига кўра, яхши амалларга эва бўлишлик вожибдир. Негаки, яхши

доирасидан ҳам чиқариб ташлаб, номиншонсиз, шарафсиз, иззатсиз роҳат уйда азал-абад ухляжаксиз!”

“Миллатнинг ғамини емоқ” учун инсон маърифатли бўлиши шарт. Аслида, маданий савияси, тили ва адабиёти босқинчиларникидан бир неча поғона баланд бўлган ўзбек халқининг мағлубияти ниманда эди? Бу оғриқли савол қалби бедор зиёлиларни, буюк жадид боболаримизни мудом кийнади.

“Ҳиндистонда бир фаранги ила бухороли мударриснинг жадид мактаблари хусусида қилган мунозараси” асарининг хотимасида муаллиф шундай дейди: “Бухоро бизнинг муқаддас Ватанимиздир, Бухоро бизнинг меҳрибон онамиздир. Бухоро бизнинг нашъу намо жойимиз, Бухоро бизнинг саждагоҳимиздир,

“Яқинда Дехли шаҳридаги Жавоҳарлаъл Неру университетда “Ўзбекистон — Ҳиндистон: илмий-маданий ҳамкорлик — миллий ва умуминсоний қадриятлар интеграцияси” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуман доирасида Ўзбекистон Миллий университети профессори, филология фанлари доктори Раъно Сайфуллаеванинг ҳинд ва инглиз тилларида Ҳиндистонда чоп этилган “Ўзбек жадидлари асарларида миллий тараққиёт тамойиллари” номли рисоласининг тақдироти ўтказилди. “Мен келажакда ўзбек жадидларининг асарларини ҳам ҳинд тилига ўғитириш ниятидаман”, деди тақдиротда таржимон, доктор Шаменаза Бано.



амаллар, яхши ахлоққа мумкин бўлмайдир. Яхши ахлоққа кейинроқ эва бўлишлик ҳам “Мин баъди муқаддима-ул вожиб”, яъни “Вожиб бўлган амалларнинг биринчиларидандир”. Бирор кимса ҳам тарбиясиз яхши ахлоқ соҳиби бўлмайдир. Бизнинг биринчи тарбиямиз оналаримиз тарафидандир, уларнинг ўзлари тарбия қўрмаган бўлсалар, биз ҳам уларнинг ёмон тарбиясидан ҳаммаша ёмон ахлоқ эваси бўламиз. Шу сабабли долонлар бизнинг оламни инсоният доирасидан ташқарида, деб билдилар. Юртнинг бахтсизлиги, замоннинг саводатсизлигидирки, аёллар у ерни таълим ва тарбия шарафидан маҳрум қилдилар”.

Асар қаҳрамони миллат аёлларининг таҳсил олмаслигини, ўқимаслигини “юртнинг бахтсизлиги, замоннинг саводатсизлиги” даражасида оғир фожиа деб билапти. Юрт бахтсизлигининг, замин саводатсизлигининг олдини олишининг ягона йўли — миллат аёлларини илмли қилишдир. Абдурауф Фитрат энг оғриқли саволларга жавоб излаш жараёнида миллат истиқболни ҳақида қайғуради ва Фарангининг тилидан шундай дейди: “Агар яна бир оз муддат эски ғафлатингизни давом эттирсангиз, дин ва миллатингизнинг ғамини емасангиз, шараф ва номусингизнинг муҳофазасини ўйлама-сангиз, меҳрибон она Ватанингизнинг ҳуқуқини унутсангиз, жаҳонгир Темур бобонизнинг шаъни ва иззатига хиёнат қилсангиз, бу мужжасамани ваҳималар

Бухоро бизнинг азиз маъшукимиздир, Бухоро бизнинг жонимизга баробар маҳбубимиздир, Бухоро биздандир, биз Бухородан. Бас, бу қадар гафлат ва танбаллик, бебабарлик ва жоҳилликда ўтурсанмиз. Бу дини мубинимизнинг ноубуд бўлишини, бу муқаддас ватанимизнинг поимол этилишини камопи шарафсизлик билан қабул қилганимизни на шариаат, на урф-одат қабул қилмайди”.

Жадид боболаримизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, ғоявий-мафкуравий тамойилларининг бош мақсад-муддоси халқни мустамлака зулмидан озод қилиш, оилани ва аёлларнинг хурофот ботқоғидан қутқариш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий савиясини юксалтиришдан иборат эди. Улар замонавий тараққиёт йўлини миллий давлатчилик асосларини яратди, эркин жамият қуришдан иборат деб билдилар. Фитрат домланинг фикрича, “Азар динга, Ватанга, молга, жонга, авлодга муҳаббатингиз бўлса, агар диннинг халос бўлиши, шариаатнинг ривож, Ватан ободлиги, авлоднинг тинчлиги, яхши ном қолдиришнинг чорасини хоҳласангиз, сизнинг иложингиз, аввало, касби маорифдир. Қобилиятларни таҳсил учун ўқишга юборинг”.

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

